

МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ — инсон томонидан кўриб, эшитиб, билиб, ҳис қилиб ва англаниб турган борлиқ, воқелик ёки таассуротларнинг бошқалар учун ҳам тушунарли тарзда тафаккур этилишини англатувчи т.. Мантиқий фикр юритиш қобилияти барча соғлом инсонларга хосдир. Инсоннинг билиш фаолияти учун М.ф. универсал характерга эга. Тафаккур кўп қиррали, мураккаб, шу билан бирга, бир бутунни ташкил этадиган ақлий жараёндир. Мантиқ деганда инсонларнинг кундалик фаолиятида, муносабат ларида, тартибли, аниқ, асосли, яъни мантиқий ўйлай олиши тушунилади. Барча инсонларнинг фикрлаш қонуниятлари бир хил бўлганидан турли тиллардаги сўзларнинг маъносини тушуна оламиз. М.ф. инсоннинг илмий ва амалий фаолияти соҳасида муҳим аҳамият касб этади. М.ф.нинг олам ва ундаги воқеа-ҳодисалар, инсон ва табиат ўртасидаги муносабат ларнинг моҳиятини теран англаш ва шу асосда ҳаётни тўғри ташкил этиш борасидаги ўрни бекиёсдир. Мантиқийлик —тафаккурнинг, ёзма ва оғзаки нутқда фикрлаш қонунларига амал қилиш жараёнидир. Бу жараёнда айният, зиддият, инкорни инкор қонунлари ўзаро уйғун ҳолда намоён бўлади. Айният қонуни ҳар бир нарсаси-ҳодисанинг айнан ўзига тенглигини, фикрда, сўзлашув ва матнларда такрор сўзларни тўғри қўллашни билдиради. Зиддият қонуни бир вақтнинг ўзида ҳар бир воқеа- ҳодисани зидди бўлмаслигини тақозо этади. Инкорни инкор қонуни эса муайян шароитда воқеа-ҳодисалар айнан ўша ҳолатда бўлиши ёки бўлмаслигини билдиради. Инсоннинг нутқи, илмий-педагогик, раҳбарлик фаолияти М. ф. билан уйғун бўлиши зарур. Шундагина фаолиятнинг барча соҳаларида мантиқий кетма-кетлик, изчиллик ва муайян самарага эришиш мумкин. Мантиқсизлик — М.ф.нинг аксидир. М.ф. маън-й-маър-й соҳада ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги фаолиятни мантиқ қонуниятлари асосида ташкил этиш маън-й-маър-й тадбирларнинг изчиллиги, таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.